

ЎЗБЕКИСТОН ОИЛАЛАРИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

Шакирова Гўзал

Тошкент давлат иқтисодий университетини

“Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази”

кичик илмий ходими

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистондаги маҳалла тузилмаси фаолияти таҳлил этилиб, ҳукумат томонидан унинг фаолият юритиши ва жамиятдаги мавқеини ошириш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари таҳлил этилган. Шунингдек, оилалар фаровонлигини сақлашда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калитли сўзлар: маҳалла, ўзини-ўзи бошқариш органи, оилалар фаровонлиги, тадбиркорлик фаолияти турлари, давлат-хусусий шериклиги.

Маҳалла юртимизнинг кичик бир бўлаги бўлиб, оилалар унинг асосини ташкил этади. Маҳалла кўп жиҳатдан инсон дунёга келиши, ўсиб-улғайиши, камолоти, турмуш тарзи, жамиятдаги ўрнини топишида алоҳида аҳамиятга эга. Миллати ва динидан қатъий назар республикамиздаги ҳар бир фуқаро ёнги оила маҳаллага бириктирилган. Маҳалла, яъни ўзини-ўзи бошқариш органлари мутасадди-ходимларига уларда истиқомат қилаётган ҳар бир оила, унинг ҳар бир аъзоси ҳақида хабардор бўлиш, уларнинг яшаш тарзи, турмуш даражаси ва тинчлиги, иш билан бандлиги, саломатлиги, оиладаги гўдак ва қариялар ҳолидан хабардорлик ва оилаларда ҳаёт учун зарурий эҳтиёжлар туғилса ёки ижтимоий зиддиятли вазиятлар юзага келса, ижобий тарафлама ҳал этиш вазифаси юклатилган.

Бугунги кунга келиб, аҳолиси 36 миллиондан ошган Ўзбекистонда 9442 та Маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд. Маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти йўналишларини белгилаш, уларга юклатилган вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва ваколатларини аниқлаш ҳамда тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 2013 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-350-сонли қонуни қабул қилинган¹.

Қонун қабул қилиниши Маҳалланинг жамиятдаги мавқеини ошириш, унинг кундалик ҳаётдаги ролини фаоллаштириш ва фаолиятини мустаҳкамлашга қаратилган, ва маълум маънода бунга эришилди ҳам. Ушбу қонуннинг мақсади

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон. Янги таҳрири.

– фуқароларнинг ўзини бошқариш органлари фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат².

Шунингдек, Қонуннинг 5-моддасида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олишдан иборатдир”.

Ўз навбатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятларини қийинчиликларсиз амалга оширишлари учун давлат органлари зарурий шарт-шароитлар яратадилар ҳамда қонун ҳужжатларида берилган ваколатларни амалга оширишда уларга моддий-маънавий кўмаклашадилар.

Маҳалланинг мавқеини янада мустаҳкамлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21-декабрда “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-209-сонли Фармони имзоланди. Бу қонун ҳужжатида мақсад – маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишда кўмаклашишдан иборат. Шунингдек, Фармонда “Маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйиш, маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлинига айлаштириш, ҳар бир фуқаро ва оила молиявий фаровонлигини таъминланишини назорат қилиш, “маҳалла еттилиги” томонидан маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишда кўмаклашиш бўйича етарлича тўхталиб ўтилган.

Айтиш мумкинки, республикамизда маҳалла фаолиятини яхшилаш, мавқеини мустаҳкамлаш ва жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган амалий чора-тадбирлар, шунингдек, оилалар фаровонлиги ва турмуш даражасини юқорилатиш, ижтимоий ҳимоялаш борасидаги мукамал ишлаб чиқилган кенг қўламли ислохотлар яқин келажакда ўз натижасини кўрсатмай қолмайди.

² Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 2013 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-350-сонли қонуни. 1-модда.

Жумладан, маҳалла оилалари фаровонлигини таъминлашда аввало аҳолини иш билан бандлигини ошириш ҳамда қўшимча даромад манбаига эга бўлишлари аҳамиятлидир. Бундай шароитда тадбиркорлик фаолиятини билан шуғулланишларини таклиф этишлари мумкин. Бизнинг фикримизча қуйидаги тадбиркорлик фаолияти турлари маҳалла аҳолисининг ҳар бирига мос келади:

1. Маҳалла аҳолиси тадбиркорликка жалб этилар экан, албатта аҳолининг ёши, жинси, маълумоти (ўрта, ўрта-маҳсус, олий)ни ҳисобга олишимиз зарур. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти юритишлари бўйича қўллаб-қувватлаш ишларида ҳам уларнинг қўшимча қизиқишлари, касби ва касбий ихтисослиги ҳисобга олиниши лозим. Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантиришда ихтисослашувга қайтсак. Аҳолининг касбий ихтисослашувини ҳисобга олганда, маҳаллаларда аҳоли уй шароитида қуйидаги қўшимча тадбиркорлик турлари билан шуғулланишлари мумкин:

- фанлардан қўшимча дарс ўтиш – репититорлик;
- шифокорлар томонидан тиббий консултация;
- турли ҳунармандчилик буюмларини ясаш;
- компьютерларга дастурий маҳсулот ўрнатиш ҳамда турли электрон жиҳозларни таъмирлаш хизматларини кўрсатиш;
- хонадонларни куриш, таъмирлаш хизматлари;
- ландшафт дизайни ва боғбончилик хизматлари;
- автомобилларни таъмирлаш ва бошқа авто хизматлар;
- ошпазлик хизматлари;
- хонадонларда хоналарни ижарага бериш;
- хонадонларда турли ўқув курслари очиш (қандолатчилик, ҳамширалик ва бошқ.);
- оилавий меҳмонхоналар ва боғчалар очиш.

2. Республикамизда сўнгги йилларда давлат-хусусий шериклиги барқарор иқтисодий ривожланишнинг омили сифатида баҳоланиб, бу борада иқтисодиётнинг барча тармоқларида қўллаб янги қонун ҳужжатлари кучга кирмоқда. Президентимиз ҳам ўз нутқ ва мурожаатларида бу соҳага алоҳида эътибор қаратмоқдалар ва янгидан-янги ислоҳотлар, келажак режалари айнан давлат-хусусий шериклиги соҳасига тўғри келмоқда. Маҳаллаларда давлат-хусусий шериклигини ташкил этиш, тадбиркорларни хусусий ҳамкорлик соҳасига йўналтириш ва фаолиятдаги имтиёзлар тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш, қўллаб-қувватлаш каби масалаларни ҳал этишда Давлат-хусусий шериклик давлат агентлиги вакиллари фаолият юритишлари ҳамда хусусий тадбиркорларга қонун доирасида амалий ёрдам кўрсатишлари керак.

Шунингдек, соҳа вакиллари маҳаллалардаги аҳоли ёш таркиби, даромад даражаси, мактабгача таълим муассасаси ва мактаб сифими, у ердаги таълим-тарбия даражасини ўрганишлари, ҳудуддаги ижтимоий-маиший, коммунал инфраструктура ҳолатларини баҳолашлари, бўш турган бино-иншоот ёки ишлаб чиқариш объектларини аниқлашлари ҳамда шу орқали ҳудудда хусусий тадбиркорларга давлат-хусусий шериклигини ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар келтиришлари лозим.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ҳукуратимиз томонидан давлатимиз Маҳалла ва оилалари келажагини ўйлаб қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари маҳаллаларда тўпланиб ва ҳал этилишини кутаётган муаммоларни ечими бўлиб хизмат қилади ва мамлакатимизни бунданда гуллаб яшнашига сабаб бўлади, дея умид қиламиз.